



Курилиши марказлаштирилган манбалар ҳисобига амалга ошириладиган
"Питнаксувқурилишинвест" давлат муассасаси буюртмачилигида ирригация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш ишларининг
2022 йил МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ

(Асос: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сон қарори)
(2022 йил 17 февралда тасдиқланган манзилли рўйхат ўрнида)

(млн.сўм, жорий нархда)

Объектлар номи ва манзили	Қурилиш бошланиш ва фойдаланишга топшириш йили	Лойиҳа қуввати	Объектнинг умумий қиймати (шартнома асосида) жумладан, буюртмачи бошка харажатлари	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объект қолдиқ киймати жумладан, буюртмачи бошка харажатлари	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг қолдиқ киймати жумладан, буюртмачи бошка харажатлари*	01.01.22 й. ҳолатига объектнинг қолдиқ жумладан, буюртмачи бошка харажатлари	2022 йил учун капитал қўйилмалар димити					2022 йилда фойдаланишга топшириладиган		01.01.23 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг қолдиқ киймати жумладан, буюртмачи бошка харажатлари	01.01.23 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг қолдиқ жумладан, буюртмачи бошка харажатлари	Экспертиза ҳулосаси рақами ва санаси	Тендер (танлов)лар натижасига бўйича баённома рақами ва санаси	Қурилиш гуҳрат ташкилот номи	
							Жами капитал қўйилмалар	Қурилиш - монтаж ишлари **)	Жихоз	Буюртмачи бошка харажатлари		Муддат/ қувват	Асосий фонд суммаси						
										Жами	жумладан, сақлаш харажатлари								
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	
Жами капитал қўйилмалар, жумладан			10 753,067	7 028,961	7 028,961	7 187,509	8 338,225	5 051,773		596,263	449,800		4 454,272	1 224,853	1 649,284				
Аввалги йиллардан ўтувчи			1 057,601	504,452	504,452	504,452								18,000	18,000				
Янги қурилиш																			
1. Хоразм вилояти Тупроққала тумани "Чингиз тепа" массивида Амударёга насос станциясини қуриш насос станция, м3/сек	2021 2022	0,8	4 454,272 404,272	965,877 86,834	965,877 86,834	1 124,425 86,834	921,925	835,091		86,834	84,132		4 454,272		202,500	№390-12-2020 30.12.2020й	№2021/760 10.04.2021й (Лот 10818)	"Махсуссув-қурилиш" МЧЖ	
Янги бошланувчи объектлар																			
Реконструкция, модернизация																			
2. Хоразм вилояти Хонка туманидаги 65-сонли шпорани реконструкция қилиш гидротехник иншоот, дона	2022	1	628,637 75,892	600,652 47,907	600,652 47,907	600,652 47,907	328,400	283,493		44,907	42,007			257,331 3,000	272,252 3,000	№29756 24.12.2021й		Тендер	
3. Хоразм вилояти Урганч туманидаги 81-сонли шпорани реконструкция қилиш гидротехник иншоот, дона	2022	1	961,295 105,212	911,746 55,663	911,746 55,663	911,746 55,663	487,900	435,237		52,663	48,663			400,939 3,000	423,846 3,000	№29758 24.12.2021й		Тендер	
4. Хоразм вилояти Ҳазорасп туманидаги "Киров-яб" канални реконструкция қилиш канал, км	2022	5,64	4708,863 472,225	4550,686 314,048	4550,686 314,048	4550,686 314,048	3 800,000	3497,952		302,048	274,998			566,583 12,000	750,686 12,000	№31562 03.02.2022й №14/0108/1-1005 22.02.202й		Тендер	
Сел-тошқиндан ҳимоялаш тадбирлари							2 000,000			109,811									
6. Хонка туманидаги "Янги Хаёт" кишлоғи ҳудудида жойлашган 73-шпорани мустақкамлаш гидротехник иншоот, дона	2022	1					1 150,000				60,838								Тендер
7. Ҳазорасп туманидаги "Мухомон" кишлоғи ҳудудида жойлашган 27-шпоралар оралиғида янгидан банкет қуриш гидротехник иншоот, дона	2022	1					850,000				48,973								Тендер
Келгуси йил лойиҳа-қидирув ишлари учун Кредитор қарздорликларни қошлаш учун							400,000												
							400,000												

Эслатма *) Объект қийматини иккинчи ва кейинги йиллари учун қайта ҳисоблашда, қурилишнинг умумий қиймати (4-устун) қайта ҳисоблашни ҳисобга олган ҳолда кўрсатилади
Иккинчи ва кейинги йиллар учун қайта ҳисоблаш белгиланган тартибда амалга оширилади ва жорий молиялаштириш йилнинг 1 апрелигача қўриб чиқиш учун тақдим этилади
**) 2022 йилда ушлаб қолинанидан 5% кредитор қарздорлик жами, жумладан:
Тупроққала тумани "Чингиз тепа" массивида Аму дарёга насос ст. қуриш 43,952 млн сўм
Хоразм вилояти Хонка туманидаги 65-сонли шпорани реконструкция қилиш 14,921 млн сўм
Хоразм вилояти Урганч туманидаги 81-сонли шпорани реконструкция қилиш 22,907 млн сўм
Хоразм вилояти Ҳазорасп туманидаги "Киров-яб" канални реконструкция қилиш 184,103 млн сўм



"Қиритилди"
Сув ҳўжалигида капитал қурилиш
лояҳаларини амалга ошириш агентлиги
"Питнаксувқурилишинвест" ДМ директори в.б

С.Юлдашев

"Келишилди"
Ўзбекистон Республикаси
Молия вазири

2022 йил "

(Signature)

"Келишилди"
Ўзбекистон Республикаси

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни
қисқартириш вазирлиги

2022 йил "

(Signature)

ЛОЙИХА ИШЛАРИ ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 43962/73

Питнак шаҳри

2022 йил “17” март

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган “Питнаксувкурилишинвест” ДМ номидан Низом асосида иш курувчи директори в.б С.Юлдашев бир томондан, кейинги ўринларда “Лойихачи” деб юритиладиган “Хоразмсувлойиха” МЧЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи директор Э.Мадримов иккинчи томондан **“Хонқа туманидаги “Янги Хаёт” қишлоғи худудида жойлашган 73-шпорани мустахкамлаш”** объектига лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқариш ва топография ишларини бажаришга (ЛСХ) доир мазкур шартномани туздилар. Ушбу объект бўйича 2022 йил 4 март куни xarid.uzex.uz порталига эълон берилган.

1.Шартноманинг мазмуни

1.1. Лойихачи Буюртмачининг лойихалаш топшириғи бўйича ишчи лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқариш, топография ишлари (ЛСХ)ни бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. Буюртмачи ЛСХ ишларини бажариш учун топшириқ бериш, зарур бўладиган бошланғич маълумотларни бериш, бажарилган ишларни қабул қилиб олиш, белгиланган тартибда ва миқдорда ҳақини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.3. Лойихачи кўрсатиб ўтилган ишларни «Корхона, бино ва иншоотлари лойиха-смета хужжатларининг таркиби, ишлаб чиқиш тартиби ва тасдиқлаш» ҳақидаги 1.03.01-03 ШНК қоида ва қўлланмалари шунингдек, мазкур шартноманинг хужжатларига асосланиб бажаради ва тугаллайди.

2.Ишларни бажариш муддати.

2.1 Мазкур шартномада, баҳолаш комиссиясининг 15 март 2022 йилдаги 43962-сонли баённомасига кўра ЛСХни тайёрлаш 5 кун этиб белгиланади.

2.2 Буюртмачи томонидан топшириқ, бирламчи маълумотларни бериш ва Лойихачи томонидан Буюртмачининг топшириғи бўйича ишчи ЛСХни ишлаб чиқиш, амалдаги тартиб қоидалар бўйича топшириш муддатларини томонлар календар жадвалида белгилайдилар ва у шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

2.3. Буюртмачи томонидан техник топшириқ, бирламчи маълумотларни беришни таъминлайди.

3.Шартнома баҳоси.

3.1 Мазкур шартнома бўйича Лойихачи томонидан бажариладиган ишлар (**ЛҚИ, лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш, муаллифлик назоратини ўрнатиш**), ҚҚС билан жами **57 000 000 (Эллик етти миллион) сўм.**

4.Тўлов шартлари

4.1. Шартномада миллий валюта “сўмда” ўзаро ҳисоб-китоб қилиниши белгиланади, тўловлар тўғридан-тўғри ҳисоб рақамига пул ўтказиш орқали амалга оширилади.

4.2. Мазкур шартнома бўйича мақсадли аванс, ишлар умумий қийматининг **30 фоизини** ташкил қилади.

4.3. Буюртмачи мазкур шартномада белгиланган ЛСХ ишлаб чиқариш ишлари тўлалигича бажарилиб, ҳажми, сифати ва Лойихачининг ҳисоботи текширилиб, Давлат ва экологик (зарурат бўлса) экспертизалардан ўтказилиб аниқланган хато ва камчиликлар, билдирилган эътирозлар баргараф қилиниб, экспертиза хулосалари олинганидан сунг, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги Таъмоқ Илимий Кенгашида кўриб чиқилиб ижобий

хулосалар олингандан кейин лойиха смета хужжатларини ишлаб чиқиш қиймати доирасида илгари берилган авансни ҳисобга олган ҳолда якуний тўловни амалга оширади.

5. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

Лойихачининг мажбуриятлари:

- 5.1. Лойихалаш ҳақидаги топшириғига ва бошқа бошланғич маълумотларга мувофиқ ишларни бажариш ва натижасини шартномада белгиланган муддатларда Буюртмачига топшириш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.
- 5.2. Тайёр бўлган ЛСХни Буюртмачи билан биргаликда фойдаланиш ташкилотлари (электр тармоқлари корхонаси, водоканал, райгаз, ёнгин хавфсизлиги назорати) тегишли давлат органлари ва фукароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиб олиш;
- 5.3 Буюртмачининг розилигисиз лойиха-смета хужжатларини учинчи шахсларга бермаслик;
- 5.4 Тайёрланган ЛСХ асосида учинчи шахсларда ишларни бажаришга қаршилик қилиш ёки бажаришни чеклаш ҳуқуқи йўқлигини қафолатлайди.
- 5.5 Лойихачи ишлаб чиқилган ЛСХни **Давлат ва экологик экспертизалардан** ўтказиш, уларнинг қайд қилган хато ва камчиликларини билдирган эътирозларини зудлик билан беғараз бартараф қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.
- 5.6. Ишлаб чиқилган ЛҚИ хужжатлари асосида куриладиган объектнинг курилиши бошланишидан курилиши тугалланиб фойдаланишга топширилгандан кейин қафолат муддати тугагунга қадар тўлалигича, **муаллифлик назоратини** юритувчи ходимлар рўйхати тўғрисидаги буйруқда олиб бориш мажбуриятини олади. Ушбу буйруқ ва график Буюртмачига лойихачи томонидан ишлар бошланган куни тақдим қилинади. Лойихачи курилиш майдонида кўринмас ишлар (скрытые работы) бажарилаётган пайтда қатнашишни қафолатлайди.
- 5.7. Лойихачи атроф муҳитга таъсири тўғрисидаги Лойихасини ишлашни (ЗВОС) мажбуриятини олади.
- 5.8. Лойихачи давлат экологик экспертиза хулосасини олиб Буюртмачига тақдим қилиш мажбуриятини олади.

Буюртмачининг мажбурияти:

- 5.6. Лойихачидан олинган ЛСХдан фақат мазкур шартномада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланиш, ЛСХни Лойихачининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қилмаслик;
- 5.7. Шартномада белгиланган муддатларда ва миқдорда шартномани 1.2.-бандида назарда тутилган ишларни қабул қилиб олиш ва бажарганлик учун Лойихачига ҳақ тўлаш;
- 5.8. Лойихачига лойиха ишларини бажаришда ушбу шартномада назарда тутилган хажмда ва шартларда хизмат кўрсатиш;
- 5.9. Тайёр бўлган лойиха-смета хужжатларини тегишли давлат органлари ва фукароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиб олишда Пудратчи билан бирга катнашиш.
- 5.10 Лойихачига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар сабабли лойиха ишларини бажариш учун бошланғич маълумотлар ўзгариши билан боғлиқ қўшимча харажатларни Лойихачига тўлаш;
- 5.11. Тайёрланган лойиха-смета хужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзғатилган даъво юзасидан ишга катнашишга Лойихачини жалб қилади.
- 5.12. Лойихачининг ҳуқуқлари:
 - ЛСХни ишлаб чиқиш жараёнида зарурат бўлса айрим махсус қисмларини бажариш учун ёрдамчи (субпудратчиларни) жалб қилишга ҳақлидир.

6. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

- 6.1 Бажарилган ишларни баҳолаш ва қабул қилиб олиш техник топширик талаблари асосида календар жадвал бўйича амалга оширилади.
- 6.2 Лойихачи томонидан топширилиши ва расмийлаштирилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати техник топширикда аниқланади.
- 6.3 Лойихачи ишларни бажариб бўлгач, Буюртмачига техник топширикда кўрсатилганидек топшириш-қабул қилиш далолатномаси билан биргаликда илова қилиб битта электрон вариант ва 3 та нусхада ҳужжатлар комплектини ҳисобот билан тақдим этади.
- 6.4 Буюртмачи мазкур шартномада кўрсатилганидек, топшириш-қабул қилиш далолатномасини ва ҳужжатларини бажарилган ишларни 5 кун муддатда қабул қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади, шунингдек, лойихачига имзоланган, ёки асосли эътироз билдирилган топшириш-қабул қилиш далолатномасини жўнатади.
- 6.5 Бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш давомида буюртмачининг асосли эътирози бўлса, камчиликларнинг рўйхати ва уларни бартараф этишнинг аниқ муддатини белгиловчи икки томонлама далолатнома расмийлаштирилади.
- 6.6 Агар ишларни бажариш жараёнида, кейинчалик уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги маълум бўлиб қолган тақдирда, томонлар 5 кун муддатда бир-бирларини ишлар тўхтатилганлиги ҳақида хабардор қилишлари шарт ва 10 кун мобайнида ишларни давом эттириш учун мақсадга мувофиқ бўлган йуналишларни ойдинлаштирувчи масалаларни кўриб чиқишлари лозим. Ишлар тўхтатилган ҳолларда томонлар учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган мажбуриятлар юкланади.
- 6.7. Ўзаро ҳисоб-китоблар қилишнинг муддати келганлиги, томонларнинг бири мазкур шартномадаги ишларни тўхтатиш ҳақидаги ёзма хабарнома берган санадан ҳисобланади.
- 6.8. Бажарилган ишлар (босқичлар)да камчилик ва нуқсонлар вужудга келганида пудратчи уларни бегараз бартараф қилиш чораларини кўриши зарур.
- 6.9. Агар Лойихачи ўтган босқич учун ўз вақтида ҳисоботларни тақдим қилмаса, кейинги босқич учун молиялаштириш ишлари амалга оширилмайди.

7. Тарафларнинг жавобгарлиги.

- 7.1 Лойихачи ЛСХдаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек, тайёрланган лойиха-смета ҳужжатлари маълумотлари асосида барпо этилган объектдан фойдаланиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар ҳисобланади ва камчиликларни бартараф қилиш учун ҳарҳажатларни ўз ҳисобидан қоплайди.
- 7.2 ЛСХда камчиликлар аниқланган тақдирда Лойихачи Буюртмачининг талаби билан ЛСХни бепул ишлаб чиқиши ва бунинг оқибатида келтирилган зарарни тўлаши мажбуриятини ўз зиммасига олади.
- 7.3 Томонларнинг мажбуриятларни бажармаганлиги ёки етарли даражада бажармаганликлари учун жавобгарликлари Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлари фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисидаги” Қонунига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига асосан жавобгарлик масаласи белгиланади.
- 7.4 Пудратчи ишларни ўз вақтида бажариш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

7.5 Пенянинг тўланганлиги ва зарарнинг копланганлиги тарафларни ўз мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишидан озод этмайди.

7.6 Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

8. Бартараф этиб бўлмайдиган куч холати (форс- мажор).

8.1 Агар томонлар мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолиши табиий ходисалар, харбий ҳаракатлар ва бошқа бартараф этиб бўлмайдиган бошқа кучлар сабабли содир бўлган бўлса, ҳамда бу ҳолат мазкур шартнома ижросига бевосита таъсирини кўрсатган бўлса, томонлар мазкур шартнома бўйича мажбуриятларнинг қисман ёки тўлиқ ижро этилмай қолгани учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларнинг ижро муддати бартараф этиб бўлмайдиган вазият, шунингдек шу вазият келтириб чиқарган оқибат ҳукм сурган вақтга мос равишда орқага сурилади.

8.2 Агар бартараф этиб бўлмайдиган куч вазияти ёки унинг оқибатлари 3 ойдан ортиқ вақтга чўзиладиган бўлса, Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки номаълум вақтга тўхтатиш учун чора-тадбирлар кўришни муҳокама қиладилар.

Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки номаълум вақтга тўхтатиш учун чора-тадбирлар кўришни муҳокама қиладилар.

Агар томонлар икки ой мобайнида бир тўхтамга кела олмасалар, томонларнинг ҳар қайсиси шартномани бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

9. Қўшимча шартлар

9.1 Буюртмачи 1.1.- бандда кўрсатилган объектдан ташқари, Лойиҳачи томонидан тақдим этилган бажарилган иш натижаларидан фойдаланишга ҳақли эмас, Лойиҳачи олинган бирламчи маълумотлардан ўз мақсадлари учун фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас.

9.2. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган томонларнинг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодексига асосан белгиланади.

10. Шартноманинг амал қилиш муддати ва шартлари.

10.1. Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва унинг шартлари тўлиқ бажариб бўлгунча ҳақиқий ҳисобланади.

10.2. Шартноманинг муддати тугашига қарамай, томонлар шартларни бузганликлари учун жавобгарликдан озод этилмайди.

11. Бахсларни ҳал этиш тартиби.

11.1. Шартномани тузиш, ижро этиш, ўзгартириш, ва бекор қилиш, шунингдек келтирилган зарарни қоплаш чоғида томонлар ўртасида вужудга келадиган бахслар ўзаро муҳокама қилиниб, қелишувга эришиш итмқонияти бўлмаган тақдирда, қонунчиликда белгиланган тартибда туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

12. Шартномани ўзгартириш ва унга қўшимчалар киритиш тартиби ва бекор қилиш тартиби.

12.1. Ушбу шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

12.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига кўра, етказилган зарарни қоплаш шarti билан йўл қўйилади.

12.3. Лойихачининг айби билан ишларнинг бориши тўхтаб қолса ва ишларнинг тугатилиши шартномада белгиланган муддатдан бир ойдан ошиқ муддатга кечиктирилса, берилган топшириқда назарда тутилган ишлар сифати мавжуд талабларга жавоб бермаса, Буюртмачи шартномани бекор қилишга ҳақли.

12.4. Лойихачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра лойиха ишлари Буюртмачи томонидан бир ойдан ошиқ муддатга тўхтатилса, Буюртмачи лойихалаш ишларининг ҳақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса, Лойихачи шартномани бекор қилишга ҳақли.

12.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган томон иккинчи томонга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юборади, иккинчи томондан 10 кун муддатгача эътироз билдирилмаса, шартнома бекор қилинган ҳисобланади.

13. Томонларнинг реквизитлари:

Буюртмачи:

“Питнаксувқурилишинвест” ДМ

Манзил: Питнак ш, Акжигитов кўчаси 7-а уй

Телефон: 623053937, 623054694

Шх/р: 100010860332217049801170018

ИНН: 200208976, ОКЭД: 70100

Ўзбекистон Республикаси ғазначилиги

Х/р: 23402000300100001010

Марказий банк ХҚКМ, МФО: 00014

ИНН: 201122919



Директор в.б.

С.Юлдашев

Х.Найилов - Д.Камбаров

Лойихачи:

“Хоразмсувлройиха” МЧЖ

Урганч ш. Ўзбекистон овози к. 2-а уй

Телефон: 223-35-32

Х/р 20208000900220905001

СТИР 200407934

ОКЭД: 71120

ОАТБ Хамкорбанк «Урганч» филиали

МФО 01020



Директор:

Э.Мадримов

I-илова Смета

“Хонқа туманидаги “Янги Хаёт” қишлоғи худудида жойланган 73-шпорани мустахкамлаш”
 объекти буйича лойиха кидирув ишларини ҳамда авторлик назоратини бажариш

Буюртмачи: “Питнаксувқурилининвест”ДМ

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2019 йил 9 ноябрда №3180-сон билан рўйхатга олинган “Лойиха-тадқиқот ишларининг қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги буйруғига асосан лойиха кидирув ишлари ҳисоб-китоби

№	Объект номи	Объектнинг тахминий қиймати (минг сум)	Мураккаблик даражаси	Ҳисоб даражаси (%)	Лойиха ишлари қиймати (минг сум)	Камайтирувчи коэффициент	Лойиха кидирув ишлари	Авторлик назорати	Жами шартнома қиймати
1	“Хонқа туманидаги “Янги Хаёт” қишлоғи худудида жойлашган 73-шпорани мустахкамлаш”	1 150 000 000	III	5.13	59 038 000	0.87	51 700 000	5 300 000	57 000 000



Рахбарнинг имзоси



Э.Мадримов

«15» март 2022 й.